

Судланувчи нотўғри ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 27 мартдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2003 йил 25 февралдаги ҳукмига кўра, Р. Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖК 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Суднинг ҳукмига кўра Р. 2002 йил 8 ноябрь куни соат 10 ларда Д.дан 1 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини 55.000 сўмга сотиб олиб, қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида бир неча бўлакка қадоклаб, шу куни соат 13 ларда 3 бўлак умумий вазни 0,12 грамм бўлган «героин» гиёҳвандлик воситасини Г.га 14.000 сўмга сотган.

Бундан ташқари, Р. яшаб келаётган Бухоро шаҳар, Б.Нақшбандий кўчаси, 260/1-уй, 13-хонадон кўздан кечирилганда, қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида сақланаётган 2 бўлак умумий вазни 0,15 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси топилиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд Р. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига мувофиқ, илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши, уни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун асос бўлади.

Суд томонидан иш бўйича мазкур қонун талабига риоя қилинмай, Р.ни ўта хавфли рецидивист деб топишда унинг илгари ўта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, яна ўта оғир жиноят содир этганлигини асос қилиб олган.

Жиноят иши ҳужжатларидан кўринишича, Р. Бухоро вилоят судининг 1997 йил 15 майдаги ҳукмига кўра, ЖК 272-моддасининг 2-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонунига асосан Жиноят кодексидан 272-модда чиқарилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1999 йил 24 декабрдаги ажримиға мувофиқ ҳукм ўзгартирилиб, Р.нинг жиноий ҳаракати ЖК 272-моддасининг 2-қисмидан шу Кодекс 273-моддаси 3-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилинган.

Бироқ ЖК 273-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноят оғир жиноятлар тоифасига кириши суднинг эътиборидан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талабига кўра, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 4 мартдаги ажрими билан Р.га нисбатан Бухоро вилоят судининг 2003 йил 25 февралдаги ҳукми ҳамда шу суд апелляция инстанциясининг 2003 йил 27 мартдаги ажрими ўзгартирилиб, Р.ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилиниб, Р.га нисбатан тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттирилиши белгиланди.

ЖСХ-20-10 назорат иши